

ТОШКЕНТ ТЎҶИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

“Тикув буюмларини конструкциялаш
ва технологияси” кафедра мудири
доц.М.А.Мансурова _____

«Тасдиқлайман»
ЕСТ факультети декани
доц. Р.Д.Ақбаров _____
« 12» декабрь 2015 й.

ДИПЛОМ ЛОЙИҲА ИШИГА ТОПШИРИҚ

Талаба: Йигиталиева Асалхон

Таълим йўналиши: Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси (енгил саноат)

Факультет: Енгил саноат технологияси

Диплом лойиҳа иши мавзуси: Трикотаж полотносидан қиз болалар кийими конструкцияси ва технологик жараёнини лойиҳалаш

Топшириқ _____
(кафедра, корхона, ИТИ, ДНИ, ташаббуси билан)

Раҳбар: кат.ўқ.Маджидова Ш.Г.

1. Диплом лойиҳа ишининг қисқача мазмуни. Трикотаж полотносидан қиз болалар кийими учун янги дизайн лойиҳасини яратиш, конструкциясини қуриш ва моделлаштириш, тикув цехи технологик жараёнини лойиҳалаш, экологик вазифасини ечиш, техника иқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблаш

2. Диплом лойиҳа ишининг таркибий қисмлари.

2.1. Асосий қисм (технологик, конструкторлик, тадқиқот ва бошқа) Мухандис-конструкторлик қисмида лойиҳаланаётган модел материал пакетини конфекционлаш, конструкциялаш усулини асослаб танлаш, дастлабки маълумотларни танлаш, конструктив моделлаш, ишчи хужжатларни тузиш, материал сарфини ҳисоблаш.

Технологик қисмда асбоб-ускуна ва тикиш усулларини танлаш, технологик кетма кетликни тузиш, оқим тури ва параметрларини танлаб технологик схемани тузиш, техник-иқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблаш, цех планини тузиш.

2.2. Қўшимча қисмлар:

Тикув цехларида меҳнатни муҳофаза қилиш ва экологик масалаларни ўрганиш

Тикув цехининг бизнес-режасини ишлаб чиқиш.

2.3. Ҳисоб-тушунтириш матни таркиби ва қисқа мазмуни:

Ҳисоб тушунтириш матни бадий-муҳандислик, муҳандис-конструкторлик, технологик, экология ва иқтисодий қисмларини назарий маълумотлари, ҳисоблаш методикаси ва ҳисоби, чизмалар ва расмлардан ташкил топади.

2.4. Диплом лойиҳа иши график қисмининг таркиби ва қисқа мазмуни

(бажариладиган график материалнинг ҳажми):

Диплом лойиҳаси график қисми асосий модел АК ва МК чизмаси, асосий модел андазалари, асосий модел техник расми ва асосий модел қирқимлари, мослик, тартиб графиклари, цех плани, техник-иқтисодий кўрсаткичлари

3. Диплом лойиҳа иши ҳимояси

4. Топшириқ берилган сана

5. Кафедра мудири

6. Раҳбар

7. Бажарувчи

12.12.2015 йил

доц. Мансурова М.А.

кат.ўқ.Маджидова Ш.Г.

Йигиталиева А.

Мундарижа

Кириш

1. Бадиий – муҳандислик қисми

1.1. Техник топшириқни лойиҳалаш ва бажариш учун бошланғич маълумотлар

1.2. Замоनावий мода йўналиши

1.3. Эскизлойиҳаишлабчиқиш

2. Муҳандис конструкторлик қисми

2.1. Лойиҳаланаётган объект материал пакетини конфекционлаш

2.2. Асосий конструкция қуриш усулини танлаш

2.3. АК чизмасини қуриш учун дастлабки маълумотлар

2.4. АК қуриш ва ҳисоби

2.5. Лойиҳа объектини конструктив моделлаш

2.6. Ишчи ҳужжатларни тузиш

2.6.1. Янги модель андозаларини тайёрлаш принсплари

2.6.2. Лойиҳаланаётган моделга газлама сарфлаш нормасини ҳисоби

3. Технологик қисм

3.1. Тикув буюмларини тайёрлаш жараёнини технологик боғлиқлигини таҳлили

3.1.1. Асбоб – ускуна ва тикиш усулини танлаш ва асослаш

3.1.2. Буюм тикиш технологик тартибини тузиш

3.2. Ишлаб чиқариш оқими ва цехларни лойиҳалаш

3.2.1. Ишлаб чиқариш оқимини лойиҳалаш масаласини тузиш, ишлаб чиқариш оқими турини ва транспорт воситаларини танлаш

3.2.2. Ишлаб чиқариш оқимини ташкилий техник эчимини ва дастлабки маълумотларни шакллантириш

3.2.3. Ишлаб чиқариш оқимини ташкилий технологик схемасини таҳлил қилиш

3.2.4. Ишлаб чиқариш оқимини ташкилий техник ечимини техник – иқтисодий таҳлили

3.2.5. Ишлаб чиқариш оқимини ва тикув цехи планини тузиш

3.2.6. Қўшимч асартимент ҳисоблаш

4. Экономик қисм

5. Иқтисодий қисм

Хулоса

Фойдаланган адабиётлар

Илова

Кириш

Мавзунинг долзарблиги: Ўзбекистон Республикасининг иқтисодиёти йилдан - йилга барқарорлашиб бормоқда. Бунга Ўзбекистондаги корхоналарни қўллаб - қувватлаш ҳисобига эришилмоқда. Республикамизда ҳозирги кунда 40 мингдан зиёд саноат корхоналари иш фаолиятларини олиб бормоқда. Ўтган йили Тўқимачилик ва енгил саноатнинг 2015 - 2020 йилларга мўлжалланган ривожланиш концепцияси ишлаб чиқилди. Концепцияга мувофиқ 2020 йилга бориб, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 6.97 трлн. сўмга ошириш режалаштирилган. Булардан 296 млн. донаси тикувчилик саноати маҳсулотлари бўлиши кўзда тутилган. Тикувчилик саноати енгил саноатнинг асосий йирик қатламларидан биридир. Тикувчилик саноатининг асосий мақсади - инсонларнинг юқори сифатли ва турли ассортиментдаги кийимларга бўлган эҳтиёжини қондиришдир. Бундай кўрсаткичга эришишда замонавий техника ва технологиялар, асбоб - ускуналар ҳамда етук малакали мутахассислар билан таъминланган тикувчилик корхоналарининг ўрни беқиёсдир. Мамлакатимизни демократлаштириш ва модернизация қилиш борасида бошланган тизимли ислохотларни, иқтисодиётимизда, авваламбор, саноат ва қишлоқ хўжалигида туб таркибий ўзгаришларни сўзсиз давом эттириш, хусусий мулк, тадбиркорлик ва кичик бизнесни жадал ривожлантириш ва бу соҳа вакиллари манфаатларини ҳимоя қилиш, макроиқтисодий мутаносибликни таъминлаш 2016-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишига айланиши зарур.

Мамлакатимизнинг 2016-йилга белгилаб олинган марра ва мақсадлари, ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий устувор йўналишларини аниқлаб олишда жаҳон миқёсидаги ҳали-бери давом этаётган глобал инқироз билан боғлиқ юзага келаётган жиддий муаммоларни ҳисобга олмаслигимиз мумкин эмас, албатта.

Биз учун асосий вазифа - ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан узлуксиз янгилаб бориш, доимий равишда ички имконият ва захираларни излаб топиш, иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, саноатни модернизация ва диверсификация қилишни изчил давом эттиришдан иборат бўлиши зарур.

Бошқача айтганда, хомашёни жаҳон бозорида талаб катта бўлган маҳсулотга айлантириш учун қайта ишлашнинг 3-4 босқичли тизимига ўтишимиз зарур. Ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг бутун жараёнини – хом ашёни чуқур қайта ишлашдан токи уни тайёр маҳсулотга айлантиришгача бўлган йўлини - сиклини, сарфланган харажатларнинг мақсадга мувофиқлиги ва нечоғлиқ ўзини қоплашини асослаб берган ҳолда, прогноз қилишни таъминлаш даркор.

Хисоб-китоблар шуни кўрсатмоқдаки, юқори қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш натижасида 2030-йилда, янги турдаги товарлар тайёрлашни ўзлаштириш асосида нефт-газ-кимё соҳасида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 3,2 баробар, рангли металл маҳсулотлари 2,2-марта, қора металлдан тайёрланадиган буюмлар 2,3 карра, кимё саноати маҳсулотлари, жумладан, минерал ўғитлар 3,2 баробар кўпайиши мумкин.

Замонавий технологиялар асосида пахта толасини ва мева-сабзавот маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ташқи ва ички бозорда талаб юқори бўлган тайёр, экологик тоза тўқимачилик ва енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2030-йилда 5,6-марта, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажмини эса 5,7 карра ошириш имконини беради.

Шундай қилиб Ўзбекистонда енгил саноатни жадал ривожланишини давлат томонидан фаол инвестицион сиёсат юритилишини тақазо этади. Бундан кўзланган мақсад ишлаб чиқариш технологик даражаси ва рақобатбардошлигини оширишдир.

Ушбу диплом лойиҳаси “Трикотаж полотносидан қиз болалар кийими конструкцияси ва технологик жараёнини лойиҳалаш” мавзуси бўйича ишлаб чиқилди ва қуйдаги қисмлар бажарилди:

- бадий муҳандислик;
- муҳандис конструкторлик;
- технологик;
- экологик;
- иқтисодий.

1.Бадий мухандислик қисми

1.1. Лойиҳалаш ва техник топшириқни тузиш учун дастлабки маълумотларни ишлаб чиқиш

Объект номи – трикотаж полотнодан қиз болалар кийими;

Объектни вазифаси – кундалик;

Тананинг антропометрик тавсифи: бўйи- Р – 116

Кўкрак айланаси- Ог – 61

Бўкса айланаси-От – 53

Пакет материал номи: трикотаж полотно.

Кийимга қўйилган талаблар.

Кийим инсон танасини ташқи муҳитдан ҳимоя қилиш билан бирга эстетик гўзаллик ва нафосатни кўрсатиб беради. Кийим ёрдамида инсон турли иқлим шароитлари, физик-механик, кимёвий таъсирларни енгиб ўтишга қодир.

Кийимни лойиҳалаш – талаблар праграммасини тузишдан бошланади. Талаблар икки груҳга ажратилади: истемолчилар талаблари ва саноат-экономика нуқтаи назаридан қўйиладиган талаблар.

Кийим истемолчи хусусиятлари эксплуатацион ва эстетик, гигиеник талаблар билан аниқланади. Ишлаб чиқариш хусусиятлари эса буюмнинг тежамкорлиги ва технологиклиги билан аниқланади.

Эксплуатацион талаблар деганда, қиз болалар кийимнинг вазифасига ва фойдаланиш шароитларига мослиги, қулайлиги, чидамлилиги, ишончлилиги, шаклининг барқарорлиги тушунади.

Эстетик талаблар деганда, қиз болалар кийими модага мослиги, янги газламалардан тикилганлиги, истемолчиларнинг эстетик дидларини қондириши тушунилади. Қиз болалар кийими замонавий мода йўналишига мос бўлиши керак.

Гигиеник талабларга қиз болалар кийимнинг иссиқлик баланси, ҳаво ўтказувчанлиги, ички (кийим остидаги) нам-тердан ёки ташқи нам (қор-ёмғир) таъсиридан ҳимоялаш даражаси, енгиллиги, конструкциясининг қулайлиги (кишининг нормал физиологик функцияларига ҳалақит бермаслиги) киради. Қиз болалар кийимида гигиеник талаблар бир мунча умумийроқ бўлиб, эргономик талабларни ҳам ўз ичига олади.

Эргономик талаблар эса антропометрик, гигиеник ва психо-физиологик мосликка оид бир қанча кўрсаткичларни ўз ичига олади.

Иккинчи груҳга технологик, стандартлаштириш ва унинг методлари, тежамкорликдан иборат талаблар киради. Тежамкорлик лойиҳалаш харажатлари, ишлаб чиқаришни технологик, конструкторлик ва техник жиҳатдан тайёрлаш билан боғлиқ харажатлар, шунингдек, истемолчиларнинг ундан фойдаланиш харажатлари билан характерланади.

Кийимнинг чидамлилиги деганда, белгиланган вақт давомида маълум шароитларда хизмат қилиши тушунилади. Хар бир буюм турли омиллар: об-хаво, кўп ювилиши, механик ва физик-механик таъсирлардан емирилиши мумкун.

Иқтисодий талаблар. Буюмнинг тежамкорлиги материал сифатининг минимал нормаси билан характерланади.

Буюмнинг технологиклиги меҳнат сарфининг камайиши, максимал технологик операсияларни яратиш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишни кўзда туттади.

1.2. **Замонавий мода йўналиши**

Қиз болалар кийимида модаси 2016 йилда ёрқин рангли, хар хил расм ва гуллар туширилган кийимлар урф бўлади. Универсал иссиқ ва майин рангдаги бундай кийимлар иссиқ ёзнинг жазирама кунларида фарзандларингиз учун энг мақбул танловдир.

Ёзда эса мода қизларга енгил бўлган топлар, сарафанлар ва қулай бўлган футболкаларни кийишни тавсия этади. Шляп а ва сумкачалар эса яхши композицияни ҳосил қилади.

Қизлар юбкасида тахламали классик услубдаги юбкалар эса хар доимгидек болалар гардиروبида асосий ўринни эгаллаб турибди. Бу юбкалар узунлиги тиззагача, ёрқин рагдаги, трикотаж полотносидан бўлиши мумкин. Бундай юбкаларни хар хил блузка, майка ва топлар билан қўшиб кийганда хам улар кийимнинг асосий детали бўлиб қолади.

Шортиларни айнан ёзги вариантда тикиш керак – пахта толали матодан ёки трикотаж полотносидан, ёрқин ранглардан, қулай бичимда. Уларни сидирға ва хар хил расмлар туширилган блузка ва топлар билан бирга уйғунлаштириш керак. Шунда кичик ҳоним учун нафақат қулай ва чиройли, балки замонавий хам бўлади.

1.3. Эскиз лойиха ишлаб чиқиш

Таклиф модель – 1 таснифи

Бу модел қиз болалар кийими бўлиб, ёзги мавсумга мўлжалланган. Вазифаси кундалик. Силуэти ярим ёпишган. Трикотаж полотносидан тикилган.

Комплект футболка ва юбкадан иборат.

Футболка олд бўлаги пастки қисми манжет билан ишлов берилган.

Орт бўлак яхлит бичилган, пастки қисмига манжет билан ишлов берилган.

Енги ўтқазма, бир чокли, калта.

Ёқа ўмизи думалоқ шаклда ўйилган. Бейка билан ишлов берилган. Узунлиги белдан пайстда.

Комплект юбкеси олд бўлаги ён чўнтакли. Юбка орт бўлаги яхлит бичилган. Қизлар кийими юбкеси бел қисми белбоғли. Белбоғ чўзилувчан тасма билан ишлов берилган. Қизлар қийими футболка ва юбка олд бўлакларига аппликациялар билан ишлов берилган.

Бу модел 6-8 ёшли қиз болалар учун тавсия этилади.

Таклиф модель – 2 таснифи

Бу модел қиз болалар кийими бўлиб, ёзги мавсумга мўлжалланган. Вазифаси кундалик. Силуэти ярим ёпишган. Трикотаж полотносидан тикилган.

Комплект футболка ва юбкадан иборат.

Футболка олд бўлаги пастки қисми манжет билан ишлов берилган.

Орт бўлак яхлит бичилган, пастки қисмига манжет билан ишлов берилган.

Енги ўтқазма, бир чокли, калта.

Ёқа ўмизи думалоқ шаклда ўйилган. Бейка билан ишлов берилган. Узунлиги белдан пайстда.

Комплект юбкеси олд бўлаги тахламали. Юбка орт бўлаги ҳам тахламали. Қизлар кийими юбкеси бел қисми белбоғли. Белбоғ чўзилувчан тасма билан ишлов берилган. Қизлар кийими футболка олд бўлақларига аппликациялар билан ишлов берилган.

Бу модел 6-8 ёшли қиз болалар учун тавсия этилади.

Таклиф модель – 3 таснифи

Бу модел қиз болалар кийими бўлиб, ёзги мавсумга мўлжалланган. Вазифаси кундалик. Силуэти ёпишган. Трикотаж полотносидан тикилган.

Комплект кўйлак ва балеродан иборат. Олд ва орт бўлак яхлит бичилган.

Ёқа ва енг ўмизи думалоқ шаклда ўйилган. Ёқа ўмизига бейка билан ишлов берилган. Узунлиги бўксадан пайстда.

Комплект балероси ёқа ўмизи думалоқ шаклда. Балеро орт бўлаги боғичли. Балеро ёқа ўмизи думалоқ шаклда ўйилган.

Бу модел 6-8 ёшли қиз болалар учун тавсия этилади.

Таклиф моделнинг сифат кўрсаткичлари бўйича баҳоланиши

№	Гуруҳли ва яқка сифат кўрсаткичларининг номи	СК белг	СК аҳамиятлилиги			
			ТМ-1	ТМ-2	ТМ-3	Эталон
1.	Истемолчи СК	К1	60	59,5	58	63,5
	Ижтимоий	К11	11	10	10	11,5
	Функционал	К21	11	10	10	11,5
	Эстетик	К31	14	14	13	15
	Эргономик	К41	13	13	13	13
	Эксплуатацион	К51	12	12	12	12,5
2.	Техник-иқтисодий	К2	35	36	35	36,5
	Стандартлаш ва унификатсялаш	К12	11	11	11	11
	Конструкциянинг технологиклиги	К22	14	14	13	14,3
	Иқтисодий	К32	11	11	11	11
	Жами		97	95	93	100

Таклиф моделларни сифат кўрсаткичлари бўйича баҳолаш натижасида 96 балл билан ТМ-1 юқори кўрсаткичга эга бўлди ва асосий таклиф модели қилиб танланди.

2. Мухандис –конструкторлик қисми

2.1. Лойиҳаланилаётган объект пакетини конфекционлаш

Ўзбекистон Республикаси Эвросиё континентининг марказий қисмида шимолий кенгликнинг ўттиз эттинчи – қирқ бешинчи градуслари ва шарқий узунликларнинг эллик олтинчи ва этмиш учунчи градуслари орасида жойлашган; унинг умумий майдони 447,4 минг км²га тенг.

Республика ҳудуди Осиёнинг қуруқ зонасига киради. Унинг 70%дан кўпроғи иқлимий ўзгаришларга мойил саҳро ва ярим даштлардан иборат.

Ҳаво ёғинлари асосан куз-баҳор мавсумларида кузатилади. Текисликларда бир йил мобайнида 80-200 мм, тоғ этаклари ва адирларда 300-400 мм, тоғ тизимларининг ғарбий ва жанубий-ғарбий ёнбағирларида 600-800 мм гача ёғади.

Республика ҳудудида баланд фронтал оқимлар минтақасида жойлашган. Ёзда жуда қизиган кенг саҳро устида қуруқ тропик континентал ҳаво оқими пайдо бўлади. Бу эрда ҳаво ёғинлари зуда оз миқдорда, максимуми март-апрелга рўғри келади. Ёғингарчилик жуда ўзгарувчан, ёғинлари йиллик мажмуининг ўзгариш коэффициентини 0,5 гача этади.

Ҳаво ёғинларининг миқдорига Орол денгизи жиддий таъсир этмайди, фақат қирғоқ бўйидаги эрларда ҳаво намлиги кўтарилиши мумкин.

Хар жихатдан қулай кийимни яратиш учун кийим остидаги микроклимга, кийимнинг одам организмига таъсирини оид миқдорий боғланишларни аниқлаш керак.

Қишки рационал кийимни лойиҳалаш борасида катор фундаментал тадқиқотлар утказилган. Бирок, иссиқ ҳаво таъсиридан химоя излаш актуал масаладир. Унинг ечими мураккаб ҳисобланади. Чунки одамни ташқаридан келатган иссиқлик оқимидан муҳофаза қилиш даркор. Шунингдек, организмда ҳосил бўлган иссиқликни ташқарига кузатиш жараени таъминланиши зарур. Айни ҳолда муайян муҳит шароитида мос кийимнинг конструкцияси муҳим аҳамият касб этади.

Юқори хароратли интенсив қуёш радиациялари қуёш радиацияси оқимининг таъсирини камайтирадиган, уз вақтида кийим остидан организм ҳосил қиладиган тер буглари ва корбонат ангидридни ташқарига чиқарадиган кийим пакетининг қобиляти муҳим аҳамиятга молик.

Кийимнинг ушбу функцияси самарали бажариш эса уни тайёрлаш учун ишлатиладиган материаллар хусусиятига ва буюмнинг конструктив тузилишига боғлиқ. Буюм конструкциясидан коматининг улчамларига, кийимнинг муайян туқислигини (қулайлигини) таъминлайдиган қушимчалар кийимга узвий дахлдор.

Материал танланганда шу модел шусусиятига тўғри келадиган керакли барча материаллар яъни асосий газлама, ип ва фурнитура танланади.

Танланган материал буюмнинг хусусиятларига, кимга мўлжалланганлигига, қайси мавсумга танланганлиги бўйича тўғри келиши керак. Албатта танланган материал технологик хусусиятлари тўғри келиши, шу билан бир қаторда арзонроқ ва тежамли бўлиши керак. Авра газламаларга қараб эса қотирма материаллари ва фурнитура танланади.

Танланган модел учун энг мақбул газлама бу трикотаж полотносидир. Трикотаж полотноси кийимнинг услубига ҳам, ёш даражаси ва вазифаси жиҳатдан ҳам тўғри келади. Танланган полотноси тола таркибини 100 % дан ортиғини пахта толаси ташкил этганлиги сабабли, унинг ҳаво ўтказувчанлик ко'рсаткичи анча юқори.

Саноатда ишлаб чиқарилаётган трикотаж матолари иккита гурушга бўлинади – ички кийимлари учун ва устки кийимлар учун.

Трикотаж матоларининг афзаллиги уларнинг майинлиги, ишқаланишга чидамлилиги ва юқори қайишқоқлигидадир. Трикотаж матолардан тикилган кийимни кийиб юриш қулай, одам бутун баданини сиқмайди, бу эса болалар кийимлари учун энг муҳим кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Уларнинг бурмабоплиги, ғижимланмаслиги, ҳаво ўтказувчанлиги ва гигиеник хусусиятлари жуда яхши. Шунинг билан бирга трикотаж матоларнинг чўзилувчанлиги ва чатлари буралгани сабабли уларни бичиш ва тикиш жараёнлари қийинлашади. Ундан ташқари, трикотажнинг ҳалқалари тикиш машиналарининг игналари билан шикастланиб бир-биридан чиқиб кетиши мумкин. Сцу сабабадан щам трикотаж полотноларини тикишда ихтисослаштирилган махсус машиналардан ва кичик номерли игналардан фойдаланиш мақсадга мувофидир.

Асосий бириктирувчи материалларга тикувчилик иплари киради. Тикувчилик иплари пахта, зиғир, ипак, вискоза, капрон, лавсан, пропилен тола ва ипалридан тайёрланади. Кимёвий комплекс иплар ва толалардан олинувчи тикувчилик ипларининг турлари йилдан-йилга кенгаймоқда. Пахта толали ипларга нисбатан уларнинг мустаҳкамлиги, ишқаланишга чидамлилиги анча катта, лекин улар иссисса чидамайди. Минутига 2000-2200 қавиқҳосил қилиб тикилганда игна тешигига ишқаланиб эрийди ва узилади.

Янги модель учун материаллар

2.1.-жадвал

№	Материал номи	Тола таркиби	Юза зичлиги	Зичлиги		Ўрилиши	Кенглиги
				5 см			
1	Трикотаж полотноси	Пахта	160	85	75	Кўнда-ланг тўқилган трикотаж (ластик)	
2	Трикотаж полотноси	Пахта нитрон	230	100	75	Бўйлама тўқилган трикотаж	

2.2. Асосий конструкция қуриш усулини асослаб танлаш

Республикамизнинг 2016 йилгача мўлжалланган индустриал-инновацион тараққиёти стратегиясининг устивор йўналишларидан бири – юқори технологияли ишлаб чиқариш кўламини вужудга келтириш орқали мамлакатимизнинг ташқи омиллардан тобелик даражасини пасайтиришдир. Бу ҳол иқтисодий ўсишни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашнинг муҳим омили ҳисобланган ўрта ва кичик бизнес соҳасини муцстаҳкалашни назарда тутди.

Доимий равишда ўзгариб турган тикувчилик саноати бугунги кунда ахборот технологиялари соҳасидаги сўнгги ютуқларига асосланиб, маҳсулотларни лойиҳалаштириш ва ишлаб чиқаришга нисбатан илмий асосланган ёндашишни талаб қилади. Бутун дунёда ахборот технологияларига бўлган эҳтиёж жуда юқори, шу жумладан, тикувчилик саноатида ҳам.

Инглиз конпруктсиялаш усули Уинифред Алдрич Буюк Британиянинг мода саноати учун юқори малакали мутахассисларини етиштириб бериш макони сифатидаги мавқеси инглиз усулига алоҳида эътиборни жалб этади. Кийимни конпруктсиялаш – бу объекти сифатида “фигура - кийим” тизими ҳисобланган жараёндир.

Қадди-қомат – ўлчамли белгилар, тана тузилишнинг ўзига хос томонлари ҳақидаги ахборот қанчалик тоўлиқ бўлса, шунчалик чизмаларнинг сифати ҳам

боғлиқ бўлади. Уинифред Алдрич усулида 20 та ўлчамли белгилардан фойдаланилади.

Уинифред Алдрич усулида конструкциялаш усулида конструкция нутқаларини белгилаш тизими ва чизмаларни тузиш схемасини баён этиш нолдан бошлаб рақамларнинг ошиб боришидан фойдаланишга асосланган: бундай схема содда ва тушунарли, чунки ҳар бир нукта ва конструкциявий кесманинг жойлашиш кетма-кетлигини дарров аниқлаш мумкин. Ушбу методикада конструкция қурилишинг осонлиги ва қўшимчаларинг аниқ берилганлиги билан ажралиб туради.

Инглиз конструкториялаш усулида конструктория нутқаларини белгилаш тизими ва чизмаларни тузиш схемасини баён этиш нолдан бошлаб рақамларнинг ошиб боришидан фойдаланишга асосланган: бундай схема содда ва тушунарли, чунки ҳар бир нукта ва конструкториявий кесманинг жойлашиш кетма-кетлигини дарров аниқлаш мумкин.

2.2. АК чизмасини қуриш учун дастлабки маълумотлар

2.2 –жадвал

Типавий фигуранинг ўлчамлари

№	Ўлчамлар номи	Шартли белгиси	Киймати,см
1.	Буй	Р	116
2.	Кукрак айланаси 3	Ог3	61
3.	Орқа кенглик	Шс	25.2
4.	Бўйин айланаси	Ош	28.5
5.	Орт ўмиз баландлиги	Впрз	15
6.	Орт белгача узунлик	Дтс	27.8
7	Енг узунлиги	Др	42
8	Билак айланаси	Озап	15
9	Бел айланаси	От	58
10	Бўкса айланаси	Об	65
11	Бўксадан тиззагача масофа	Дтк	40

АК қуриш учун қўшимчалар

№	Қўшимчалар номи	Шартли белгиси	Киймати,см
1.	Орт белгача узунлик қўшимчаси	Пдтс	0.5
2.	Кукрак айланаси 3 қўшимчаси	Пог3	2
3	Орқа ўмиз баландлиги қўшимчаси	Пвпрз	1.0
4.	Орқа кенглик қўшимчаси	Пшс	1.0
5.	Кўкрак кенглиги қўшимчаси	Пшг	1.0
7	Бўкса айланаси қўшимчаси	Поб	2

Асос конструкцияни қуриш ҳисоби.

№	Конструкция бўлаги белгиланиши	Ҳисоби	Қиймати, см
1	2	3	4
Орт ва олд бўлак АК қуриш ҳисоби			
1.	0-1	Дтс	27.8
2	02	Ди	44
3	0-3	Впрз+Пвпрз	16
4	0-4	$\frac{1}{2}*/0-3/$	8
5	0-5	$\frac{1}{4}*/0-4/$	2
6	0-6	$\frac{1}{5} * Ош-0.5$	5.6
7	6-7	1	1
8	3-8	$\frac{1}{2} Шс *Пшс$	14.0
9	10-11	к	
10	3-12	$\frac{1}{4} *Ог3+Псг3$	16.2
11	0-14	$\frac{1}{5} Ош-1$	4.7
Енг қуриш ҳисоби			
12	0-1	$\frac{1}{2} /0-3/+1$	9
13	0-2	Дрзап-2	40
14	0-3	к	
15	2-4	$\frac{1}{2} Озап-1.5$	6
16	5-6-7-8-9	к	
17	11-12	1	1

Юбка олд бўлак қуриш ҳисоби

18	0-1	Диз+1	36
19	0-2	Дтб+1	14.8
20	2-3	1/4Об+1.5	19.75
21	0-6	1/4От+1	17.5
22	0-7	1	1
23	5-8	2.5	2.5
24	6-3-8	к	

Юбка орт бўлак қуриш ҳисоби

25	9-10	Диз+1	36
26	9-11	Дтб+1	14.8
27	11-12	1/4Об+2	20.25
28	13	к	
29	14	к	
30	9-15	1/4От+1.5	18
31	9-16	0.5	0.5
32	14-17	2.5	2.5
33	12-15-17	к	

2.5. Лойиҳа объектни конструктив моделлаш

Модел-1

Футболка

- буом узунлиги аниқланди,
- ёқа ўмизи моделга мос ҳолда ўйилди,
- этак қисмида манжет кенглиги ва узунлиги аниқланди,
- орт бўлак моделга мос ҳолда яхлит қилиб моделлаштирилди,
- енги моделга мос ҳолда бир чокли қилиб моделлаштирилди,
- енг узунлиги аниқланди.

Юбка

- юбка узунлиги аниқланди,
- юбка олд бўлакда чўнтак ўрни белгиланди,
- юбка орт бўлак моделга мос ҳолда моделлаштирилди.
- белбоғ кенглиги аниқланди.

Модел-2

Футболка

- буом узунлиги аниқланди,
- ёқа ўмизи моделга мос ҳолда ўйилди,
- этак қисмида манжет кенглиги ва узунлиги аниқланди,
- орт бўлак моделга мос ҳолда яхлит қилиб моделлаштирилди,
- енги моделга мос ҳолда бир чокли қилиб моделлаштирилди,
- енг узунлиги аниқланди.

Юбка

- юбка узунлиги аниқланди,
- юбка олд бўлакда тахламалар ўрни белгиланди,
- юбка орт бўлак моделга мос ҳолда моделлаштирилди.
- белбоғ кенглиги аниқланди.

Модел-3

Кўйлак

- буом узунлиги аниқланди,
- ёқа ўмизи моделга мос ҳолда ўйилди,
- орт бўлак моделга мос ҳолда яхлит қилиб моделлаштирилди,

Балеро

- балеро узунлиги аниқланди,
- балеро орт бўлаги моделга мос ҳолда моделлаштирилди.

2.6. Ишчи хужжалар тузиш

Андозаларнинг чизмаси буюмни тузувчи барча деталларга конструкция хужжатларнинг ягона системаси (ЭСКД) системасига мувофиқ тайёрланади. Андоза чизмаси қуйдаги кетма-кетлик бажарилади.

- 1 Конструкция чизмаси батафсил текширилади
- 2 Чизмага газламанинг киришувчанлиги билан боғлиқ аниқлик киритилади
- 3 Деталлар чизмасининг нусхалар бошқа қоғозга туширилади
- 4 Асосий деталлар андозаларнинг ишчи чизмаси қурилади
- 5 Ҳосила ва ёрдамчи андозаларнинг ишчи чизмалари қурилади
- 6 Ишлаб чиқаришда фойдаланишга мўлжалланган андозалар шаблонлари тайёрланади

Қайд этилган кетма-кетлик қуйдаги тартибда амалга оширилади. Конситуция чизмасини текшириш мақсадида олд ва орт бўлақлар қирқма ён бўлақ, энг остки ёқа сингари асосий деталларнинг нусхаси махсус мослама ёрдамида чизмадан қалин қоғозга кўчирилади, чок ҳақи бериб қирқиб олинади. Қирқиб олинган андозаларда кўкрак, бел, бўкса чизиғлари, витчкалари, олд ўтар чизиғи, чўнтаклар чизиғи ва бошқа асосий конструктив чизиқлар белгиланади. Андозаларда бириктириладиган қирқимларнинг тенглиги конструкция қирқимлар, туташмалар мослиги назорат кертикльар жойларининг ўзаро мослиги текширилади.

Кийим конструкциясининг чизмалари бўйича асосий деталлар андозалари тайёрланади.

Асосий деталларга: олд бўлақ, отр бўлақ, ён бўлақ, устки-остки энг ҳ.к киради.

Асосий андозалар ишчи чизмаларга айнан мувофиқ келади. Улар базис размерларига тайёрланади.

Эталон андозалар асосий андозалар асосида градасия орқали тайёрланади. Экспериментал цехда сақланиб ишчи андозаларни назорат қилишда ишлатилади. Эталон андозалар сифати ўлчамлари жадвали орқали чоклар 1 марта текширилиб турилади.

Ишчи андозалар эталон андозалар асосида ишлаб чиқарилади ва бевосита ишлаб чиқариш жараёнида жойлашмани тузишда бичиқларни қирқиш ва деталлар контурини аниқлашда ишлатилади.

Асосий деталлар андозалари асосида тайёрландиган андозалар ҳосила андозалар дейлади. Ҳосила андозаларга асосий газламадан бичиландиган деталлар: бўрт, адип, устки ёқа, кўринма каби майда деталлар. Астар ва қотирма материаллардан хамма деталлар андозалари киради. Ҳосила андозалар ёрдамида тикув буюмлар конструктив декоратив элементлар билан безатилади. Улар буюм шаклининг барқарорлигини таминлаш жараёнида қўлланилади. Шу

боис ҳосила андозаларининг ўлчамлари ва шакллар асосий андозалар шакли билан боғлиқ ҳолда қурилади.

Ёрдамчи андоза борли контур чизиклар ўтказишда, деталлар қирқимларини аниқлашда, витчкалар, тахламалар, измалар, чўнтак ўрнини белгилашда ишлатилади.

2.6.1. Янги модель андозаларини тайёрлаш принциплари

2.5-жадвал

Андозалар чок ҳақлари

№	Деталь ва қирқимлар номи	Чок ҳақи номи ва қиймати, см				
		Бирикт ирма чок	Ағдарм а чок	Буклаш-қайиришг а	Қирқишг а	Киришти риш ва ишлов бериш
1	2	3	4	5	6	7
1.	Олд бўлак					
	ин ўмизи қирқими қирқим	0.8			0,3	
	-енг ўмизи қирқими	0.8			0.3	
	-ён қирқим	0.8			0.3	
	-пастки қирқим	0.8		15	0.3	
2.	Орт бўлак					
	ин ўмизи қирқими қирқим	0.8			0.3	
	-енг ўмизи қирқими	0.8			0.3	
	-ён қирқим	0.8			0.3	
	-пастки қирқим	0.8		15	0.3	
3.	Енг					
	-енг ўмизи қирқими	0.8			0.3	
	-олд қирқим	0.8			0.3	
	-енг учи қирқими			15		
4	Этак манжет					
	-юқори қирқим	0.8			0.3	
	-ён қирқим	0.8			0.3	
	-пастки қирқим	0.8			0.3	

5	Обка олд бўлак					
	-бел қирқими	0.8			0.3	
	-чўнтак оғзи қирқими	0.8			0.3	
	-ён қирқими	0.8			0.3	
	-этак қирқим			15		
6	Обка олд бўлак					
	-бел қирқими	0.8			0.3	
	-ён қирқими	0.8			0.3	
	-этак қирқим			15		
7	Белбоғ					
	-юқори қирқим	0.8			0.3	
	-ён қирқим	0.8			0.3	
	-пастки қирқим	0.8			0.3	
8	Кўринма					
	-юқори қирқим	0.8			0.3	
	-ташқи қирқим	0.8			0.3	
	-ён қирқим	0.8			0.3	
9	Чўнтак халта					
	-юқори қирқим	0.8			0.3	
	-ташқи қирқим	0.8			0.3	
	-ён қирқим	0.8			0.3	

2.6 – жадвал

Деталлар спецификацияси

№	Буюм деталларининг номи	Деталь кодининг белгиси	Сони		Изоҳ
			Андозада	Бичишда	
1	2	3	4	5	6
Футблка деталлари					
1.	Олд бўлак	01	1	1	буклов
2.	Орт бўлак	02	1	1	буклов
3.	Енг	03	1	2	
4.	Этак манжет	04	1	2	
Юбка деталлари					
5.	Юбк олд бўлак	05	1	1	буклов
6.	Юбка орт бўлак	06	1	1	буклов
7.	Белбоғ	07	1	1	буклов
8.	Кўринма	08	1	2	
9.	Чўнтак халта	09	1	2	

2.7 – жадвал

Андозалар назорат кертиклар қўйиш жойларининг рўйхати

№	Деталлар ва кертик номлари	Кертиклар жойланиши
1	2	3
1	Олд бўлак -ён қирқим	- бел чизигида
2	Орт бўлак -ён қирқим	- бел чизигида
3	Енг -олд қирқим	-чўкки қизигида
4	Юбка олд бўлак -ён қирқим	-бўкса чизигида
5	Юбка орт бўлак -ён қирқим	-бўкса чизигида

2.8 – жадвал

Деталлар танда ипининг номинал йўналиши ва андозаларда улардан йўл қўйилган оғишлар

№	Деталлар номи	Танда ипининг йўналиши	Танда ипининг йўл қўйилган оғиши %
1	2	3	4
1.	Олд бўлак	Борт чизикқа параллел	0
2.	Орт бўлак	Бел чизикқа перпендикуляр	0
3.	Енг	Тирсак чизикқа перпендикуляр	0
4.	Этак манжет	Ён чизикқа параллел	0
5.	Юбк олд бўлак	Бўкса чизикқа перпендикуляр	0
6.	Юбка орт бўлак	Бўкса чизикқа перпендикуляр	0
7.	Белбоғ	Ён чизикқа параллел	0
8.	Кўринма	Ён чизикқа параллел	0
9.	Чўнтак халта	Ён чизикқа параллел	0

2.6.2. Лойиҳаланилаётган моделга газлама сарфлаш нормасининг ҳисоби

2.9-жадвал

Янги модель андозаларининг майдони (юзаси)

№	Деталь номи	Деталь кодининг белгиси	Деталлар сони		Деталлар майдони см ²
			Андозада	Бичикда	
1	2	3	4	5	6
Футболка деталлари					
1.	Олд бўлак	01	1	1	1200
2.	Орт бўлак	02	1	1	1200
3.	Енг	03	1	2	812
4.	Этак манжет	04	1	2	150
Юбка деталлари					
5.	Юбк олд бўлак	05	1	1	1300
6.	Юбка орт бўлак	06	1	1	1300
7.	Белбоғ	07	1	1	225
8.	Кўринма	08	1	2	630
9.	Чўнтак халта	09	1	2	620

Янги модель деталлари ёйилмасида андозалараро чиқитларни ҳисоби

Тармоқ нормативлари бўйича андозалараро чиқитлар номи	Андозалараро чиқитлар миқдори
Умумий норма	13/13
Модель хусусиятига қўшимча	-/2
Янги модель деталлари ёйилмасига оид андозалараро чиқитларнинг жамланган миқдори (Бн)	13/15

Ёйилмани бажаришдан аввал унинг дастлабки узунлиги қуйдагича ҳисобланади:

$$L_{п1} = X_{0нп} / Шр = 5172/122=42.39$$

$$L_{п2} = 5647/126=44.81$$

Бу эрда: Нопр - бўрламанинг дастлабки нормаси;

Шр – газламанинг эни, см

Бўрламага сарфланган материалнинг дастлабки нормаси қуйдаги формула бўйича аниқланади:

$$X_{0нп1} = Фл * 100 / 100 * Вн = 4500 * 100 / 100 - 13 = 5172$$

$$L_{п2} = 4800 * 100 / 100 - 15 = 5647$$

Бу эрда: Фл – андозалар юзаси см²

Вн – андозалар орасидаги чиқитлар, норматив миқдори.

Ёйилмани бажаришда андозалар ёйилмасига қўйиладиган махсус техник шартлар ва талабларга риоя қилинади. Хусусан ёйилма тузганда газлама гулларига, туклар ёъналишига, деталлар танда ва арқоқ ёъналишига эътибор берилади.

Андозалараро чиқитлар фоиз қуйдагича ҳисобланади:

$$Вф1 = (X_{оф} - Фл) / Ноф * 100 = 5206 - 4500 / 5206 * 100 = 13.5$$

$$L_{п2} = 5670 - 4800 / 5670 * 100 = 15$$

Бу эрда: Ноф – бўрламанинг ҳақиқий нормаси, см²

Ёйилманинг характеристикаси

Буюмнинг номи – трикотаж полотносидан қиз болалар кийими

Размер, бўй – 116-61-58

Газлама фактураси – сидирға

Газлама йўналиши – силлиқ

Ёйилманинг эни – 122/126

Тўшама тури – яланг қават

Андозалараро ҳақиқий чиқитлар – 13.5 / 15 %

Ўйилманинг ҳақиқий юзаси – 5206, 5670 см²

3.Технологик бўлим

3.1. Тикув буюмларини ишлаб чиқариш технологик боғлиқлигини

таҳлили

3.1.1. Асбоб-ускуна ва тикиш усулларини танлаш ва асослаш

Асбоб-ускуна ва тикиш усулларини меҳнат унумдорлигини ва буюм сифат даражасини ҳисобга олган ҳолда танланади. Шу билан бирга тикувчилик саноатининг техника ва технологиясини такомиллаштириш асосий йўналишларини, деталларини елимлаб улаш усулини максимал қўллаш, унумдорлиги юқори бўлган асбоб-ускуналарни қўллаш, сермеҳнат қўл ишларини механизациялаштириш ва автоматлаштириш, яхлит бичилган деталлар ва кам операцияли технологияни ҳисобга олинади.

Кийим сифати ва уни тикиш нархи кўп жиҳатдан тикиш усулига боғлиқ бўлади. Шунинг учун кам вақт сарфлаб, юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган ва замонавийроқ машина ва мосламалардан максимал фойдаланиш имконини берадиган тикиш усуллари танланади.






Тикиш усулини танлашдан олдин биринчи навбтда танланган кийим моделига мувофиқ ишлаб чиқаришда кулланилаётган тикиш усули ҳамда ҳозирги кунда ишлаб чиқариш оқимларда ва адабиётларда тавсия қилинган илгор усулларни урганиб чиқилади.

Танланган моделни технологик тикиш тартибини синчковлик билан қилинган таҳлил асосида моделга меҳнат сарфини камайтириш ва буюмнинг сифатини яхшилаш мақсадида асбоб-ускуна ҳамда тикиш усули танланади. Буюм тикиш технологик тартибини тузишда қўлланаётган асбоб-ускуна ва уларни кичик механизация билан таъминланганлиги, автомат ёки яримавтомат қурилмаларини ишлаб чиқаришда ишлатилиши кўзда тутилади.

Янги кам операцияли технологиялар яратиш тикувчилик буюмларига ишлов беришни такомиллаштиришдаги истиқболли йўналиш ҳисобланади.

3.1 – жадвал

Буюмни тикишда қўлланиладиган чок турлари

т/р	Чок тури	ГОСТ 12807-79 га асосига чок схемаси ва коди	Қўллаш жараёни	Баҳяқатор тури	Асбоб-ускуна, мослама номи ва белгиси
1	Букма		Юбка этаги	Уч ипли занжирсимон	MF-7723
2	Бостирма		Ён чўнтак зийи	Икки ипли бир чизикли моқисимон чок	DDL-9000SH
3	Ағдарма		Ён чўнтак қирқими		DDL-9000SH
4	Мағиз чок		Бўйин ўмизи, енг учи қирқимлари	Икки ипли икки чизикли занжирсимон	MF-7723
5	Тиқиб йўрмаш		Футболка, юбка ён, елка, енг қирқимлари.	Тўрт ипли занжирсимон	МО-816

Намлаб иситиб ишлов бериш операциялари ва тартиби

Т/р	Оперция номи	Кўллаш жараёни	Ишлов бериш параметрлари				Асбоб – ускуна маркаси
			Ҳарорат ($^{\circ}\text{C}$)	Босим (мПа)	Операция давомийлиги (сек)	Намлик (%)	
1	Ўтқизиб дазмоллаш	Кокетка чокларини, тирсак чоклари, шим ён чоклари ни ўтқизиб дазмоллаш	130 $^{\circ}\text{C}$ -150 $^{\circ}\text{C}$	0,2÷0,35	16-30	20	UP202TK “Малькан”
2	Тайёр буюмни дазмоллаш	Футболка ва юбкани тайёр бўлгандан сўнг дазмоллаш	130 $^{\circ}\text{C}$ -150 $^{\circ}\text{C}$	0,2÷0,35	60	20	

Тикув машиналарини технологик таснифи

Т/р	Асбоб ускуна ва и/ч заводи	Чок тури	Машина бош валининг максимал айланиш тезлиги	Бахя узунлиги (мм)	ГОСТ 22249-82 Буйича игна номери	Ип номери	Тиқилаётган газлама қалинлиги ммга	Қўшимча маълумотлар
1	DDL – 9000 SH “Juki”	Бир игнали универсал машина	5500	5	90; ДРх5	40	2-3	Автоматик равишда ип узиш, чокни пухталаш, тепкини кўтариш мосламалари мавжуд
2	МО – 816 “Djuki”	Тиқиб йўрмаш машинаси	5000	4	90 80; ДРх5 ДСх27	40 40	2-3	Ипни кесиш учун пичокли механизми мавжуд
3	MF-7723 “Djuki”	Буқиб тиқиш, ма-из чок тиқиш	6000	3	90; ДРх5		2-3	Автоматик равишда ип узиш, тепкини кўтариш мосламалари мавжуд

3.4-жадвал

Намлаб – иситиб ишлов бериш машина ва ускуналар

Ускуна номи	Ускуна белгиси и/ч заводи	Ўстиқлар орасида максимал босим,МРа	Юқори ўстиқларни қиздириш ҳарорати,°С	Цикл давомийлиги,с	Асбоб ускуна ўлчамлари (узунаси ,эни)мм
1	2	3	4	5	6
Дазмол	UP202ТК “Malkan”	-	120-140	1-20	Стол (1550x490)

3.1.2. Буюмтикиш технологик тартибини тузиш

3.5 жадвал

Буюмга ишлов беришни лойиҳадаги технологик тартиби

№	Технологик (бўлинмас) операциялар номи	Ихтисоси	Разряди	Сарфвақти			Асббуск уна (мосламалар)
				М1	М2	М3	
1	2	3	4	5	6	7	8
1	Ўнг елка қирқимини тикиб йўрмаш	мм	3	20	20	20	МО – 816 “Djuki”
2	Бўйин ўмизини мағиз чок билан тикиш	мм	3	35	35	35	MF-7723 “Djuki”
3	Чап елка қирқимини тикиб йўрмаш	мм	3	20	20	20	МО – 816 “Djuki”
4	Енгни енг ўмизига ўтқазуш	мм	4	32	32	32	МО – 816 “Djuki”
5	Енг учини мағиз чок билан тикиш	мм	3	58	58	58	MF-7723 “Djuki”
6	Футболкани енг ва ён қирқимларини тикиб йўрмаш	мм	3	55	55	55	МО – 816 “Djuki”
7	Футболка манжетини ён қирқимини тикиб йўрмаш	мм	3	15	15	15	МО – 816 “Djuki”
8	Футболка этагига манжетни тикиб йўрмаш	мм	3	30	30	30	МО – 816 “Djuki”
9	Футболкани иплардан тозалаш	қ	2	20	20	20	қайчи
10	Тайёр футболкани дазмоллаш	д	3	52	52	52	UP202TK
11	Олд бўлакка апликация ёпиштириш	д	3	95	95	95	UP202TK
12	Хажмий апликацияни пухталаш	м	3	55	60	65	DDL – 9000 SH “Juki”
13	Юбка ён чўнтак қирқимини ағдарма чок билан тикиш	м	3	48	48	-	DDL –

								9000 SH “Juki”
14	Ағдарма чок хақини кертиш	қ	2	15	15	-		қайчи
15	Чўнтак зийини ўнгига ағдарыш ва безак бахяқатор юритин	м	3	45	45	-		DDL – 9000 SH “Juki”
16	Чўнтак халтани тикиб йўрмаш	мм	3	18	18	-		MO – 816 “Djuki”
17	Олд бўланки кўринмага пухталаш	м	3	35	35	-		DDL – 9000 SH “Juki”
18	Юбка бел қирқимида тахламалар хосил қилиб бахяқатор юритиш	м	3	-	-	66		DDL – 9000 SH “Juki”
19	Юбка ён қирқимларини тикиб йўрмаш	мм	3	53	53	53		MO – 816 “Djuki”
20	Эластик тасмани ўлчаб қирқиш	қ	2	15	15	15		қайчи
21	Эластик тасма учларини пухталаш	м	2	15	15	15		DDL – 9000 SH “Juki”
22	Юбка белбоғини ён қирқимларини тикиб йўрмаш	мм	3	15	15	15		MO – 816 “Djuki”
23	Белбоғ орасига эластик тасмани қўйиб юбка бел қирқимида тикиб йўрмаш	мм	3	48	48	48		MO – 816 “Djuki”
24	Юбка этагини букиб тикиш	мм	3	52	52	52		MF-7723
25	Юбкани иплардан тозалаш	қ	2	20	20	20		қайчи
26	Тайёр юбкани дазмоллаш	д	3	51	51	51		UP202TK
27	Футболка ва юбкани комплектлаш	қ	2	20	20	20		-
28	Буюмга ёрлиқ осиш	қ	2	15	15	15		-
29	Буюмни тахлаш ва ўраш	қ	2	30	30	30		
30	Буюмни омборга топшириш	қ	2	30	30	30		-
	жами			1012	1012	927		

3.2. Тикув цехи ва ишлаб чиқариш оқимини ҳисоблаш

3.2.1. Ишлаб чиқариш оқимларини лойиҳалаш масаласини қўйиш.

Оқим турлари ва транспорт воситаларини танлаш

Ишлаб чиқариш оқимининг ташкилий структураси ҳар бир секция бўйича барча дастлабки маълумотларни таҳлили асосида танланади. Ишлаб чиқариш оқимининг қуввати ва ишчилар сонига қараб кичик, ўрта ва катта қувватли оқимларга бўлинади. Кичик қувватли ишлаб чиқариш оқимларда меҳнат тақсимоти кам ишчилар учун тузилади. Иш ўринлари турли ихтисосдаги операциялар билан таъминланади, пресс ва махсус машиналардан тўлиқ фойдаланилмайди, ташкилий операцияларни тузиш шартлари бузилади, ишчиларни ихтисослаштириш даражаси пасаяди, бу эса техник иқтисодий кўрсаткичларини пасайишига олиб келади.

Ўрта қувватли ишлаб чиқариш оқимларида иш ўринларини ихтисослаштириш даражаси анча юқори бўлиб, юқори меҳнат унумдорлигини таъминлайди. Махсус машиналардан тўлиқроқ фойдаланилади ва ташкилий операцияларнинг вақтини мослаш имконияти ошади.

Катта қувватли ишлаб чиқариш оқимлар замонавий қурилмаларни тадбиқ этишга қодир. Уларда махсус машиналардан тўлиқ фойдаланилади, деталл ва узелларни тайёрлаш ва йиғиш учун аппаратлардан кичик механизация воситаларидан фойдаланиб янги технологияларни қўллаш имконияти бўлади, шунингдек иш ўринларидан тўлиқ фойдаланилади.

Бундай оқимларни қўллашда бошқариш харажатлари камаяди, иш ўринларини ихтисослаштириш даражаси ошгани учун буюм сифати яхшиланади.

Жараёнлараро транспорт воситаларини ташкил қилиш ишлаб чиқаришни ташкил қилиш билан бевосита боғлиқ. Тикувчилик саноатида хилма-хил транспорт воситаларидан фойдаланилади.

- осма ва полга ўрнатилган 1_p-15 ;
- аравага-крошителейн ўрнатилган оқимлар;
- оралиқ столлар, нишаб столлар ва аравачалар;

Италия, GRF, SFRYU, YNR фирмалари иш ўринларига детал ва ярим фабрика солинган қутчаларни одресланган равишда автоматик узатиш ва сақлаш замонавий конвейерларни ишлаб чиқармоқда. Бу конвейерлар буюрилган «Д-О-Д» режимда ишлайди. Катта қуввати оқимларда:

- ТКТ-1 (SERYU) адресланган эркин ритмли конвейер;
- работ-манипуляторни автоматлаштирилган транспорт воситали оқимлар;
- осма ишлаб чиқариш системалари «5vichtrok» (Velikobritaniya) оқими;

3.2.2. Ишлаб чиқариш оқимининг ташкилий-технологик ечимини ва дастлабки маълумотларни тузиш

Ишлаб чиқариш оқимининг технологик схемаси ишлаб чиқариш оқимининг асосий техник ҳужжати ҳисобланади. Технологик схемага биноан иш ўринлари, ускуналар, ишчилар жой-жойига қўйилади; иш ўринлари, асбоб-ускуна, мослама ва ёрдамчи материаллар билан таъминланади; технологик жараёни назорат қилиб борилади, бажарилган иш ҳисобга олинади ва жараёни назорат қилиб ишчиларнинг иш ҳақи ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш оқимининг технологик схемаси ташкилий операциялардан иборат. Ташкилий операциялар эса технологик жиҳатдан бўлинмас операциялардан тузилади. Ҳар бир ташкилий операция учун ихтисос, разряди, вақт сарфи, ишчилар сони, иш ҳақи ва асбоб-ускуна кўрсатилади. Ишлаб чиқариш оқимида иш бир маъромда бориши учун ташкилий операцияларнинг давом этиш вақтини маъромга тенг ёки каррали қилиб мосланади.

Технологик жиҳатдан бўлинмас операцияларнинг давом этиш вақти турлича бўлгани учун, уларнинг вақтлар йигиндиси маъромга тенг ёки каррали қилиб танлаб олиш ҳар доим мумкин бўлавермайди.

Тажрибаларнинг кўрсатишича ташкилий операциялар вақтини турлича бўлган, улар сарфланган вақт конвейерли ишлаб чиқариш оқимларидан +5% ва гурухли агрегат ишлаб чиқариш оқимларида -5%, +15% маъромга нисбатан фарқ билан ҳисобланса унчалик хато бўлмайди.

Шуларга асосан ташкилий операциялар вақтини мослаш шарти битта моделни эркин маъромда ишлайдиган конвейерли ва гурухли агрегат ишлаб чиқариш оқимлари учун қуйидаги кўринишда бўлади:

$$E_t = (0,95:1,15) k * r$$

Бунда: E_t -ташкилий операцияга сарфланадиган вақт (С);

0,95:1,15-маъромга нисбатан фарқ

k -ташкилий операцияларни бажарадиган ишлар сони:

r -ишлаб чиқариш оқимининг ишлаш маъроми, яъни такти (С)

Ташкилий операциялар вақтини мослаштириш шартини ҳисоби 7-жадвалга туширилади.

Ташкилий операцияларни тузишда асосий ҳисоб шартдан ташқари қуйидаги ташкилий шартларга риоя қилиш зарур:

-кийимларни тикиш технологик тартибда бўлиб, тикиш жараёнида уларнинг иш ўринларига қайта-қайта келишига йўл қўймаслик (гурухли агрегат ишлаб чиқариш оқимларида ихтисослаштирилган иш ўринлари билан таъминлаш учун технологик тартибли бузилишига йўл қўйиш мумкин);

-разряд ва ихтисос жиҳатдан бир хил ва характерлари турдош бўлинмас операцияларнигина бирлаштирилади.

**Ишлаб чиқариш оқимини асосий параметраларини ҳисоблаш ва
тарифлаш**

Секция	Оким чизигин и ёки гурухлар ини сони	Ишлаб чиқариш оқимининг параметлари					Асосий мослаштириш шарти $\Sigma t_{бо} = (0,95 \div 1,1$ $5) K * \tau$		Почкада ги буюмлар сони
		R,с	Tб,с ўртач а	M,до на	N,иш чи	τ.с.	Карра лик (K)	Мосла ш шарти	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Тайёрлаш ,йиғиш	1÷5	28800	981	295	10	97.6	1 2	278- 336.7 556- 673	10÷15

Лойиҳадаги моделни ишлаб чиқариш технологик схемаси

N	Булинмас операция номи	Ташкилий операцияларнинг мазмуни	Ихтисоси	Разряд	Сарф вақт					Ишчилар сони		Ишлаб чиқариш нормаси, дона	Иш ҳақи, сўм	Асбоб-ускуна, мослама-лар
